Ушбу сонда:
2 ЖИЗЗАХ КЎЧАЛАРИДАГИ ТРОЛЛЕЙБУС у қаёққа ғойиб бўлди?
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
4 ШАФҚАТ ҲАМШИРАЛАРИ ОВУЛЛАРДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 29 июн, сешанба № 104 (1737)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТАЪТИЛДА-БЕПУЛ ХИЗМАТ

Ўз уйларида таълим олаётган ўттиздан ортиқ гулистонлик ногирон болалар ёзги таътил пайтларида шаҳардаги энг гавжум «Бўстон» Интернет-кафеси хизматларидан бепул фойдаланиши мумкин.

Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари комиссияси ва Гулистон шаҳар халқ таълими бўлими ушбу хайрия тадбири ташаббускоридир. Хусусий тадбиркор Александр Кибальников эса болаларни компьютер саводхонлигига ўргатиш учун техника берди. Улар билан икки соатлик дарсни математика ўқитувчиси Тожихон Қодирова ўтказади.

- Бу тадбир амалиётимизда биринчиси эмас, - дейди А.Кибальников. - Баҳорда ушбу кафенинг ўйинлар залида 27-сонли болалар уйи тарбияланувчилари учун вақт ажратдик. Мутахассисларимиз уларни компьютерда ишлашга ўргатади.

(ЎзА)

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ - МУҚАДДАС БУРЧ

Мамлакатимизда 27 июн - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди. Истиклолимизнинг дастлабки йилларидан юртимизда миллий матбуотни қўллаб-қувватлаш, соҳа фаолиятини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улуғвор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғокликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланди. Бунинг замирида журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқати, сермашаққат меҳнати мужассам, албатта.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Халқимиз эришаётган ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган бетакрор ўзгаришларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Президентимиз табригида таъкидланганидек, жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб жараёнларда халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш матбуот, айниқса, журналистлар зиммасидаги нафақат ўта долзарб ва масъулиятли вазифа, балки уларнинг муқаддас бурчи ҳамдир.

Узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келаётган кекса журналистлар ва ўз сўзи, ўз овозига эга бўлиб бораётган ёш журналистлардан бир гуруҳига давлатимиз раҳбарининг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол журналисти» (2003 йил) танлови ғолибларига совринлар топширилди. Энг яхши спорт журналистлари учун эълон қилинган танлов ғолиблари ҳам тақдирландилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирдилар.

Таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг концерти байрамга алоҳида файз бағишлади.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

МАЛАКАЛИ ОФИЦЕРЛАР - АРМИЯМИЗ ТАЯНЧИ

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг ходимлари, хорижий мамлакатлар элчихоналарининг ҳарбий атташелари ҳамда битирувчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Бундан икки йил аввал ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ўз маҳорати ва салоҳиятини кўрсата билган офицерлар академияга қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида тингловчилар амалий ва қўмондонлик-штаб машғулотлари, қўшинларни бошқариш ва миллий хавфсизликни таъминлаш каби қатор йўналишлар бўйича кўникма ва малакаларини янада оширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Руслан Мирзаев, мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи, генерал-майор Исмоил Эргашев ва бошқалар академия битирувчиларини қизғин табриклади.

- Академиямизда бу йил илк бор Моделлаштириш ва симуляция махсус маркази ҳамкорлигида тингловчилар билан компьютерлашган қўмондонлик-штаб машғулотлари ўтказдик, - дейди Қуролли Кучлар академиясининг бошлиғи, генерал-майор Феруз Усмонов. - Бугун миллий армиямиз сафига Ватанимизга содиқ, профессионал билимга эга малакали офицерлар қўшилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонларини топширди.

(ЎзА)

СУРХОННИНГ САРА ДОНИ

Сурхондарё вилояти ғаллакорлари дон тайёрлаш бўйича шартномавий мажбуриятини бажарди. Қабул пунктларига 213 минг тонна сара ғалла топширилди.

Хирмонга, айниқса, Денов, Шеробод, Қизириқ, Жарқўрғон ва Музработ тумани деҳқонлари салмоқли улуш қўшди.

ҒАЛЛАКОРЛАР ЮТУҒИ

Сирдарё тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш бўйича шартнома режасини бажарди. Қабул пунктларига 17250 тонна юқори сифатли буғдой етказиб берилди.

Ўрим-йиғим давом этмоқда. Туман ғаллакорлари ҳосилни 34500 тоннага етказишга аҳд қилган.

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБДОРЛИК

Ўзбекистон банклари ассоциациясида Марказий банк билан ҳамкорликда уюштирилган «Банк балансини ва молиявий ҳисобдорликни халқаро стандартлар асосида тузиш ҳамда таҳлил қилиш» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Семинарни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобдорликнинг халқаро андозаларига мувофиқ тарзда фойдаланиш тартиби банкнинг молиявий аҳволи ҳақида заларини янада кенг қўллаш учун банк мутахассисларининг билимларини ошириш ҳамда қўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Маълумотлардан халқаро андозаларга мувофиқ тарзда фойдаланиш тартиби банкнинг молиявий аҳволи ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Умумқабул қилинган қоидалар эса банкда менежмент даражасини ошириш, тўғри иқтисодий қарорлар қабул қилиш ва самарали стратегияни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Айни кунларда республикамизнинг беповён далаларида ғалла ўрими энг қизғин паллага кирган. Жумладан, Косонсой тумани ғаллазорларида ҳам мавсум катта уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Халқ ризқ-рўзи бўлган ғаллани ўз вақтида нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда моҳир комбайнчиларнинг ҳиссаси сезиларли бўлаётир. Айниқса, туман машина-трактор паркининг уста комбайн операторлари Маҳамаджон Анваров (чапда) ва Анвар Мақсудовлар бу борада кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда. Улар «Кейс» русумли комбайнлари билан кунига 20-25 гектар майдондаги ғалла ҳосилини ўриб олишаяпти.

П.АКБАРОВ
олган сурат

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

ИЛИНГАНГА ИЛИК ТУТ

Репортаж

Жондор туман ҳокимлиги идораси ёнида вакил билан қизғин паллага кирган дон ўрими хусусида сўзлашиб турардик. Шу пайт гавдали, истараси иссиқ йигит биз томон кела бошлади.

– Ҳали сизга айтганим – вилоятда таниқли фермер Остон аканинг ўғли Шоназар Чўлиев, – деди вакил. – Оталари бошлиқ уч нафар ўғил ер билан «тиллашиш»ни билади.

Сўрашдик, суҳбатлашдик. Остон ака ва унинг оила аъзолари билан танишиш ниятимиз борлигини айтганимизда:

– Бажонидил, – деди у. – Индинга учрашсак яхши бўларди. Ҳозир бир соатдан кейин Имом ал-Бухорий зиёратгоҳига жўнаб кетамиз.

– Кўпчиликка ўхшайсизлар?

– Ҳа, эллик нафар кишимиз. Отахонларимизга ишларимиз юришиб кетса, албатта Самарқанд қадамжоларини зиёрат қилдираман, деб ниятлаган эдим.

– Демак, ишларингиздан қониқиш ҳосил қилибсизда?

– Шундай. Банкдан кредит олиб, жамоа хўжалиги фермасини сотиб олгандим. 48 бош қорамол ҳозир 90 бошга кўпайди. 15 гектар бедапоямиз, 65 гектар пахта майдонимиз бор, 3 та тракторимиз, 1 та бульдозер, 2 та юк ташиш транспорти, ҳатто прицепли КаМАЗимиз оғиримизни енгил қилмоқда. Мақтанишга йўқман-у, бундай техника мана-ман деган мулкдорда ҳам бўлмаса керак.

Бир неча дақиқали мулоқотимиз кўп нарсаларга ойдинлик киритди. Хусусан, «Меҳринисо» фермер хўжалиги давлатга пилла топшириш шартномавий режасини ошириб бажарибди. Иссиқхона қурилаётган экан, ишга тушгач, олинган ҳосилнинг маълум қисми шифохонага, мактаб, боғчаларга мурувват ёрдами сифатида тортиқ қилинади. Хўжалик мулки кўпайиб борган сайин табиийки, ёлланиб ишловчилар сони ҳам ортиб боряпти. Жорий йилда янгитдан 80 та иш ўрни яратилгани бу охирги марра эмас. Иссиқхона барпо этилгач, бу ерда ҳам 10-15 нафар одам иш билан банд бўлиши мумкин. Йил охиригача хўжалик ҳисобидан ҳаммом қурилиб ишга топширилиши, ҳамкишлоқлар учун тоза ичимлик сув қувурлари тортиб келиниши режалаштирилган. Албатта, ҳаммомни юргизиш учун ҳали 10 нафарга яқин ишчи-хизматчи жалб қилинади.

...Шоназар Чўлиев билан келишганимиздек, белгиланган соатда «Меҳринисо» фермер хўжалигига етиб бордик. У битай деб қолган иссиқхона қурувчилари ёнида экан. Нарирокда ёзги молхоналар. Босиб қўйилган пичан, сомон...

Остон аканинг уйига келганимизда вақт пешиндан оғган эди. Фермер хўжалиги раҳбари дастлаб бийдай чўл бағридан 100 гектар ер олиб, уни қандай парвариш қилганини гапириб берди.

Биз ўша машаққатли йилларни тасаввуримизга келтиришга ҳаракат қилдик.

– Ҳамма нарсанинг бошланиши – иморатнинг асосини яратишдек қийин кечади, – дейди у. – Биз нимаики қилган бўлсак, фарзандларимиз ва ҳамқишлоқларимиз учун қилдик. Ишимизни ўғилларимиз давом эттираётганидан хурсандман. Ҳукуматимиз деҳқон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантириш учун ғамхўрлик қилаётган экан, унинг истиқболи ойдин бўлишига шубҳа йўқ.

Нафақат туманда, балки вилоятда фермерлик ҳаракатига тамал тоши қўйганлардан бири гапираётгани учун ҳам бу ерларнинг, айтайлик 5-10 йилдан кейинги қиёфаси кўз олдимдан ўтгандай бўлди. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин экан. Ҳаётнинг паст-баландини жуда пухта билувчи ота гапиради-ю, биз нега ишонмаслигимиз керак?!

У бир бизга, бир ўғиллари – Шоназар, Жаҳонгирга қаради-да шундай деди:

— Эрта эккан эрта олади деганларидек, чигитни биринчи бўлиб экканмиз. Ғўза парвариши ёмон эмас. Шунга қараб айтиш мумкинки, тумандаги фермер хўжаликлари орасида биринчи бўлиб, пахта териш режасини бажарамиз. Ҳосилдорлик 220 тонна ўрнига 260 тоннага етказилади.

Ҳа, бу ерларда шундай қатъий тартиб амал қилиб келади. Оила бошлиғи ўн ўлчаб бир кесади. Тахмин гапларни тилига чиқармайди. Ўтган йилги натижалар ҳам ота ўйлаганидек бўлган эди. Соф даромад 10 миллион сўмни ташкил этди. Амалдаги йил бошиданоқ кирим-чиқимларга аниқлик киритилди. Таъкидлаш жоизки, харажатларнинг сезиларли қисми меҳр-мурувват мақсадларига сарф этилишига келишиб олинди. Хусусан, туман пахта тозалаш саноати корхонасига сут етказиб берилмоқда. Ишлаб чиқариладиган 15 тонна гўшт нисбатан арзон нархда аҳолига сотилди. Туман марказида барпо этилаётган «Фарҳод» спорт мажмуасига 3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган хўжалик аъзолари ва ҳамқишлоқ фуқаролар ҳам моддий қўллаб-қувватланмоқда.

Шу пайт хонамизга ўзини Ражаббой Жўраев, деб таништирган мазкур фермер хўжалиги азоси кириб келди. Суҳбат мавзуидан хабардор бўлгач, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга шошилди:

– Бу йил – Меҳр ва мурувват йили деб бежиз эълон қилинмаган. Демак, бундан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб олишимиз даркор. Тўғрисини айтсам, бу борада бизнинг хўжалигимизда амалий иш қилмаётган фермер бўлмаса керак. Уй эгалари камтарлик қилиб, кўп нарсани айтмаган бўлишлари мумкин. Масалан, ҳудуддаги 11-умумтаълим мактаби ҳомийликка олинган. Ўқувчиларни дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминлаш, бино хоналарини жорий таъмирлаш каби юмушларга сарф-харажат хўжалик ҳисобидан қопланаётир. Шунингдек, қишлоқ марказий йўлини таъмирлаб бериш ҳам режалаштирилган. Келгуси йилдан бошлаб эса оталиқдаги мактабнинг бир неча иқтидорли ўқувчисига Остон Чўлиев номидаги стипендия бериб борилиши кўзда тутилган.

Ҳа, айтмоқчи, кузда ҳосил йиғиштириб бўлингач, кекса отахону онахонлар, меҳнат илғорларидан бир гуруҳи Фарғона водийси ва Хива бўйлаб бепул саёҳатга чиқадилар.

Уста НАБИ,
Усмон НАВРЎЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

28 июн куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Ўзбекистон қонунлари ва 2004 йилда демократик сайлов ўтказиш механизмлари тўғрисида»ги туркум семинарларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди.

«Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳамда 2004 йилги сайлов кампаниясида сиёсий одоб доирасида иш тутиш муаммолари» мавзуидаги ушбу семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари вакиллари, олимлар, мамлакатимиз ва чет эл журналистлари қатнашди.

Анжуманни Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.Мустафоев бошқарди. «Парламент сайловида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва депутатликка номзодларга тенг имкониятлар яратиш масалалари», «Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари», «Сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясини молиялаштириш масалалари», «Депутатликка номзодлар ишончли вакилларининг сайлов кампаниясида тутган ўрни» ҳамда «Сайловолди кампаниясида депутатликка номзодларнинг сиёсий одоб қоидаларига риоя этиш муаммолари» мавзуларида маърузалар тингланди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади. Бу нормани сайлов иштирокчиларига тенг имкониятлар яратиб берилишининг кафолатларидан бири, деб тушуниш керак. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар. Сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

(Давоми 2-бетда)

МАҲСУЛОТ-МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН

Яқинда Поп туманида яна бир қўшма корхона ишга туширилди. «Исковуттекс» деб номланган бу корхона Ўзбекистон-Швейцария-Туркия ишбилармонлари ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, сифатли калавоип ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Айни пайтда бу ерда 150 нафарга яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, корхонада юз фоиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жами бўлиб, умумий қиймати 1,3 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган юқори қувватли хориж ускуналари ўрнатилди. Янги техника Германиянинг «ГазельШафтБерлен» банкининг кредит линияси бўйича харид қилинган.

Маҳаллий ёшлардан таркиб топган жамоада ишловчилар учун барча қулайликлар мавжуд. Жумладан, бу ерда бепул тушлик ташкил этилган. Тунги сменадагилар учун 2 та автоулов беминнат хизмат қилмоқда. Йил охирига бориб, корхонада ишлаб чиқариш қуввати ортиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

О.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

Касаба уюшмасининг ўрни ва нуфузи

ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШДИ

90-йилларнинг бошлари эди. Кишлоклар хар качонгидек гавжум, лекин ажабланарли жойи шундаки, бу гавжумлик кўпинча туннинг иккинчи ярмида ёшлар томонидан давом эттирилар, шовкин-сурон кўтаришар, гохо эса арзимаган нарсадан жанжал чикаришар, тўполонга милиция аралашар, баъзан оксоколларнинг огохлантиришларига хам кулок солишмасди.

Бу ғайритабиий ҳол маҳалла қўмиталари, қишлоқ фуқаролар кенгашларини ва ниҳоят касаба уюшма қўмитасини безовта қилмасдан иложи йўқ эди. Ёшлар тарбиясига бағишланган қўшма йиғилишларнинг бирида бу ҳақда атрофлича фикр юритилди, турли мулоҳазалар айтилди. Бировлар милиция билан ҳамкорликда кўнгилли дружиначилар тузилсин, улар безорилар танобини тортиб қўйишсин, зарур топилса, жиноий жавобгарликка тортишсин, дея таклиф қилишди. Бошқа бировлар эса тўполончи ёшларнинг отаоналарини оқсоқоллар йиғилишида муҳокама қилиш фикрини беришди. Шунда сўзга чиқаётганлар мулоҳазасини жимгина тинглаб ўтирган касаба уюшма қўмитасининг раиси кўнглига келган режаларини айтмоқчи бўлди-ю, лекин уни аввалига тегишли жойлар билан пухта пишитиб олмагунча индамай туришни лозим топди. Хуллас, ўша кунги йиғилиш қатнашчилари аниқроқ бирор тўхтамга келишолмади.

Эртасига болалар боғчаларидаги аҳволни кўздан кечириб қайтган қўмита раиси тунда зарур юмуш билан пойтахтдан қайтган хўжалик бошқаруви саркори хонасига кириб борди. Бошқарув раисининг ҳам кайфияти йўқроқ эди.

– Бугун эрталаб милициядан кўнгироқ қилишди, - деди салом-алик қилишгач. – Ёшяланглар тунда жанжал чиқаришибди. Иккитасини олиб кетишибди.

– Қаттиқроқ чора кўрмасак бўлмайдиганга ўхшайди, - давом этди раис. – Кечаги қишлоқ фуқаролар кенгаши мажлисини ҳам менга айтишди. Чамаси, аниқроқ бир қарорга келмабсизлар, шекилли?

Касабақўм ўйлаб қўйган режаларини ўртоқлашиш фурсати етганлигини сезди.

– Очиғи, сиз билан шу масалада маслаҳатлашгани киргандим.

Раис суҳбатдошига «ялт» этиб қаради. Касабақўм кўнглидагиларини ташқари чиқарди:

– Тиббиётда касалликни даволаш билан биргаликда унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишади. Ҳақиқий манбаини топишса, албатта, унга барҳам беришади. Шу сингари биз ҳам қишлоқларимиз ёшлари ахлоқ-одобларидаги салбий ўзгаришлар сабабини топишимиз керак. Буларнинг бари бекорчилик бераётган кўнгилсиз мевалар. Бинобарин, улар ишга жалб этилса, ўз-ўзидан тўполон ҳам тинчиб қолади. Ахир, кун бўйи ишлаган одамнинг кечалари бемақсад юришга вақтиям, мадориям қолмайди-ку!

Раис қўлидаги қаламини столга тақиллатиб урганича ҳаёл сураётгандек деди:

- Гапингиз тўғри-ку, лекин далада одам етарли, бригадаларнинг ортиқча ишчи кучи олишга имкониятлари чекланган. Масаланинг бу томони ҳам бор-да.

– Сиз билан маслаҳатлашмоқчи бўлган нарсаям шуда. Қўшимча ишчи ўринлари яратсак-чи?

– Қандай қилиб?

– Масалан, ўзимиз етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни ёки цехларни очсак-чи...

Ана шу суҳбат баҳонасида бошқарувнинг кичик саноат шохобчаларини вужудга келтириш, ишчи ўринларини яратиш юзасидан қарори чиқди. Энг аввало, хўжаликдаги мавжуд ҳар бир бригада дала шийпони қошида иссиқхоналар ташкил этилди. Унга эпчил, қўлидан иш келадиган икки-уч нафар ёш жалб қилинди. Иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотлардан бригада аъзолари учун тушлик овқат тайёрлашда фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу эса ушбу маҳсулотларни бозордан сотиб олишга қараганда бир неча баробар арзонга тушди. Бугунги кунда Наманган туманидаги «Ғайрат» ширкат хўжалиги иссиқхоналарининг ишчилари «бригада томорқалари»даги экинларни парвариш қилиш, юқори ҳосил олишини ҳам таъминламоқдалар. Кулолчилик ва қурилиш заҳиралари, гулчилик цехлари очилди. Тез орада обжувоз ва тегирмонлар ишга тушди. Чинни буюмлар ишлаб чиқадиган кичик корхоналар маҳсулотлари довруғи эндиликда вилоятдан ташқарига ҳам етиб борди. Шунингдек, айни пайтда хўжалик ҳудудининг 54 жойида 16 турда аҳолига маданий-маиший ва пуллик хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб турибдики, булар кўпларнинг мушкулини осон, оғирини енгил қилмоқда. Арзимаган юмуш учун овора бўлиб, шаҳарга қатнаш қийинчиликлардан ҳалос этмоқда. Энг муҳими, армия хизматида қайтган, мактабни тамомлаган ўнлаб ёшларнинг ўз меҳнат жойларини топишларига, ҳаётдан мустақил ўрин олишларига, рўзғор тебратиб бола-чақа боқишларига, оилалик бўлиб кетишларига кўмаклашмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Боши 1-бетда)

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги» қонун 27-моддасининг 2-қисмига мувофиқ депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Бу масала бўйича Марказий сайлов комиссиясининг йўриқномаси тайёрланмоқда. Йўриқномада мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган даврий нашрлардан бири, сайловолди ташвиқот даврида, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ҳақида ахборот ёки маълумот берадиган бўлса, худди шундай миқдорда ва ҳажмда тегишли округдаги бошқа номзодлар ҳақида ҳам нашрнинг келгуси сонларида ўша тартибда маълумот бериши назарда тутилмоқда.

Сиёсий партияларнинг, номзодларнинг сайловолди дастурлари билан чиқишлари учун тенг шароит яратилади. Барча сиёсий партиялар ва номзодлар учун радиоэшиттириш вақти, телекўрсатув давомийлиги бир хил белгиланади, нашрларда улар тўғрисидаги материаллар бир хил миқдор ва саҳифада чоп этилиши таъминланади.

Бундан ташқари, сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратадилар. Депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ваколатлари тегишли сайлов комиссиялари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлади. Бу институт ҳам парламент сайловида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва депутатликка номзодларга тенг имкониятлар яратиш воситалари қаторига киради. Фақат ундан самарали ва ўз вақтида фойдаланиш керак.

Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ариза олинганидан кейин кузатувчига беш кун ичида беради. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун 6-моддасининг 7-қисмига мувофиқ кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;
- сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;
- овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш;
- сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;
- агар сайлов участкасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш. Шунинг билан бирга, кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:
- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- сайловчиларга таъсир ўтказиш, биронбир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;
- сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда биронбир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш.

Агар кузатувчи участка сайлов комиссияси фаолиятига халақит берса, фуқаролар ўзларининг сайлов ҳуқуқларини амалга ошираётганларида бу жараёнга аралашса ёки яширин овоз бериш тартиб ва қоидаларини бузадиган бўлса, участка сайлов комиссияси уни овоз бериш хонасидан чиқариб юборишга ҳақли. Бундай ҳолларда участка сайлов комиссияси кузатувчини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортишни сўраб тегишли органларга тақдимнома киритиши ҳам мумкин.

Бу қоида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари ишининг айрим масалалари тўғрисида»ги Марказий сайлов комиссиясининг йўриқномаси лойиҳасига киритилди.

Айтиб ўтилганидек, кишилик жамияти пайдо бўлганданоқ, демократиянинг куртаклари бор эди ва у ҳозир энг тараққий этган мамлакатларда ҳам ўзининг сўнгги чўққисига эришганича йўқ. Давлат билан бирга вужудга келган демократия инсоният тарихи давомида турли миллий-маданий шарт-шароитларга мослаша борган. Ҳар бир давлатда, миллатда ўзига хос қадриятлар, менталитет, анъаналар мавжуддир. Улар жамиятдаги демократик жараёнларга катта таъсир кўрсатади, бинобарин, демократик муассасаларни шакллантиришда мазкур омиллар, албатта, ҳисобга олинади.

Демократик давлатда инсон манфаати, қадр-қиммати, ҳаёти ҳар нарсадан юқори туради. Бундай давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиялилик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади. Бироқ демократия ҳамма нарсада ҳоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир. Демократиянинг ажралмас қисми интизом, қонунларни ҳурмат қилиш, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдир.

Анжуман қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди.

(ЎзА)



Пойтахтимизнинг Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган «Nur-El Biznes» масъулияти чекланган жамият ўтган йилнинг октябр ойида ташкил этилган. Ҳозир корхонада 22 нафар ишчи меҳнат қилади. Бу ерда безакли қандил ва чироқлар ишлаб чиқарилмоқда. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 25 минг сўмни ташкил этади. Улар бир маҳал иссиқ овқат ва кийим-бошлар билан таъминланган.

Суратларда: моҳир ишчилар Нурия Ибатуллина ва Дониёр Исломов иш пайтида.

Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар

Президентимизнинг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш, шартнома мажбуриятларига риоя этилиши ва қурилишнинг пировард натижалари учун инвестиция жараёни қатнашчилари масъулиятини оширишнинг аниқ йўналишларини белгилаб берди.

Бир Фармон шарофати

ЖАМИЯТНИНГ ҚЎЛИГУЛ ҚУРУВЧИЛАРИ

Устюрт кенгликларида қад кўтарган муҳташам иморатлар эътиборингизни ўзига тортади. Сода заводи ишчи-хизматчилари учун замонавий турар-жойлар, Элобод шаҳарчасидаги болалар боғчасининг кўркам биноси қўлигул қурувчилар томонидан бунёд этилган.

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Амонбой Арепов бошчилик қилаётган «Қўнғироққурилиш» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ўтказилган тендер савдоларида бир неча бор ғолиб чиқиб, масъулиятли иншоотлар қурилишини ўз зиммасига олган.

– Юқоридаги Фармондан сўнг мулк шаклини ўзгартирдик, – дейди биз билан суҳбатда жамият раиси. – Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи хизматининг жорий этилиши иқтисодий ислоҳотлар самараси ҳисобланади.

Қурилишда рақобат муҳити шакллланганлиги туфайли самарадорлик ошиб бораяпти. Шунинг учун ҳам 270 миллион сўмлик қурилиш-ускуналаш ишлари амалга оширилиб, бир йил ичида 86 миллион сўмлик ўсишга эришилди.

Қўнғирот – Оролбўйининг йирик масканларидан бири. Аҳил ва иноқ жамоа томонидан Олтинкўл қўрғонида мактаб, маҳалла гузари, сода заводи учун 220 киловаттли подстанция, газ конденсатини қайта ишлайдиган кичик корхона бунёд этилди. «Кўкдарё» хўжалигининг мажмурий биноси таъмирланди.

Жамоа туман марказидаги маҳалла ва кўчаларни ободонлаштиришда ҳам фаол қатнашяпти. Хайрли ва савоб ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. «Нуроний» жамғармаси ва кўзи ожизлар жамиятига 130 минг сўм маблағ ўтказилди. Кам таъминланган оилаларга 190 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳомийликдаги иккита мактабни таъмирдан чиқаришда яқиндан кўмаклашди.

Эндиликда лойиҳа қиймати 110 миллион сўмлик туман солиқ инспекцияси маъмурий биноси қурилиши жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Сода заводида ҳам 100 миллион сўмлик қурилиш-ускуналаш юмушлари амалга оширилди. Японияда келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Қўнғирот телеузатиш марказида 22 миллион сўмлик иш бажарилди.

Қўшни Шуманай туманида мактаб ва болалар боғчаларини таъмирлаш давом этмоқда. Илғор қурувчилардан Саиловбой Аролбоев, Қуйлибой Жонтурғунов, Марям Эшмуродова, Беркинбой Ортиқбоев, Қолмон Мирзамуротов, Абдураҳмон Сапаров сингарилар ҳар бир ишни сифатли бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

Айни чоғда йилни камида 20-25 миллион сўм соф фойда билан якунлашга аҳд қилган саховатли жамоа аъзолари қалбида эзгу ниятлар жўш урмоқда.

Иззат ҲИКМАТ, «Ишонч» мухбири

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

Туман ҳокимининг «Меҳр ва мурувват йили дастури» асосида ҳудудимизда истиқомат қилаётган боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз қариялар, барча тоифадаги ёрдамга мухтож аҳоли қатлами аниқланиб, уларга ҳомийлар белгиланди. Натижада 679,5 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Биргина туман «Нефт маҳсулотлари» корхонаси томонидан 50 та кам таъминланган оиланинг ҳар бирига 10 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, «Эл-эркнур» корхонаси боқувчисини йўқотган оила ҳамда ногиронлардан 300 нафарига кунжара, шелуха, пахта ёғи тарқатди.

«Тумангаз» идораси кам таъминланган 30 та оилага газ ҳисоблагич ускунасини бепул ўрнатган бўлса, туман электр тармоқлари идораси 19 нафар оилани электр энергияси ҳақини тўлашдан озод этди.

Туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан 9 нафар нафақахўрга соғлиғини тиклашлари учун сиҳатгоҳларга йўлланма берилди. 2 нафар уруш қатнашчиси эса «Гагарин» сиҳатгоҳида бепул даволанди.

Курбон РУСТАМОВ, Мирзачўл туман ижтимоий таъминот бўлими мудири

Ислоҳот мевалари

ЙЎЛСОЗЛАР УЧУН ШАРОИТЛАР

Сурхондарё вилоятида автомобил қатнов йўлларини жаҳон андозалари талабларига мос бўлиши учун таъмирлаш борасида жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Узун туман йўл хўжалиги корхонаси эндиликда ўз тасарруфидаги 175 километр автомобил қатнов йўлини сифатли таъмирлаш ва сақлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Жамоада 76 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатаётир. Айни вақтда тумандаги 331- ва 332-йўл бўлимларида 60 нафарга яқин ишчилар таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари билан банд. Маълумотларга кўра, жамоа аъзолари томонидан жорий йил биринчи чорагида 48 миллион 742 минг сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилган.

Маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан ишчиларга ҳар томонлама қулайлик яратилаётир. Хусусан, Меҳр ва мурувват йили муносабати билан корхонада ишлаб, нафақага кузатилган 11 нафар фахрийга моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, корхонада фаолият кўрсатиб, вафот этган ходимлар оилаларига ёрдам берилди.

Корхонада анчадан буён фаолият кўрсатиб, ҳалол меҳнатлари туфайли эл назарига тушган пешқадам ишчилардан Мамажон Рўзиев, Жума Шониёзов, Ашур Шафиевлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Олтинсой туман автомобил йўллардан фойдаланиш бошқармасида ҳам ишчилар учун яратилган шарт-шароитлар кўнгилдагидек. Шу боис жамоа аъзолари томонидан йилнинг биринчи чораги давомида 32 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Бунда пешқадам ишчилардан Холмўмин Мисиров, Умбар Маматалиев, йўл устаси Эркин Қаюмовларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Деновлик йўлсозлар эса ўз ихтиёридаги автомобил йўлларини таъмирлаш, сифатини яхшилаш борасида тинимсиз изланмоқда. Бу ерда 186 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатиб, уларнинг бир қисми Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темирйўл қурилиши йўналиши бўйича хизмат қилмоқда. Қолгани эса тумандаги Қизилсув дарёси устидан ўтадиган узунлиги 96 метр ва лойиҳа қиймати 2 миллиард сўмни ташкил этадиган кўприк қурилишига жалб этилган.

Болалар спортини ривожлантиришга бу корхонада алоҳида эътибор қаратилган. Корхона даромади ҳисобидан қурилаётган замонавий болалар спорт мажмуи ҳадемай фойдаланишга топширилади. Натижада тумандаги ёш спортчиларга катта қулайлик яратилади.

А.РАҲМОНОВ, «Ишонч» мухбири

«ХАТИРЧИГАЗ»НИНГ СПОРТ МАЖМУИ

«Хатирчигаз» корхонасининг минг томошабинга мўлжалланган спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

Корхона маблағи ва ҳашар йўли билан бунёд этилган улкан спорт мажмуида теннис, мини-футбол, қўл тўпи, волейбол, баскетбол ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиш мумкин.

Шундай қилиб, Хатирчи туманидаги спорт мажмуалари сони ўндан ошди.

«АКМАЛ»НИНГ УН ЗАВОДИ

Оққўрғон туманида фаолият юритаётган «Акмал» хусусий фирмасининг ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги заводи иш бошлади.

Завод кунига 45 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга. Тумандаги қатор хўжалик ва фермерлар ўзлари етиштирган янги ҳосилни заводга топширмоқда.

Келгусида макарон ва печенье цехларини ҳам очиш мўлжалланаётган заводда ҳозирча йигирма беш нафар йигит-қиз меҳнат қиляпти.

ФЕРМЕР ОПАНИНГ ҚУВОНЧИ

Уйингда ғалланг бўлса, қўшиқнинг ўзи келаверади. Жумагул опа куннинг жазирама иссиғида дала четида туриб ғаллазоридаги ўрим-йиғимни кузатаркан, беихтиёр хаёлидан шу ҳикмат ўтди. Яна бир машина донга тўлганидан кўнгли ёришиб дафтарига қаради. «Мана, давлат буюртмасини ҳам икки тонна ортиғи билан адо этдик, - ўйлади у, - бу ёғи ўзимизники».

Ҳа, унинг хонадони мўл ҳосил билан бирга, баракали даромад билан ҳам бойийдиган бўлди. Шу кунни кутиб фермер хўжалиги аъзолари куздан буён астойдил меҳнат қилдилар. Чекилган машаққатлар энди унга, оила аъзоларига роҳат келтиради, орзу-ҳаваслар кўришади.

- «Муҳаббат» фермер хўжалиги раҳбари Жумагул Ботировага ўхшаган мавсум якунида бериладиган қимматбаҳо мукофотларга даъвогарлар бизда кўп, - дейди Сайхунобод туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалиги раиси Турғун Жалолов. - Уларнинг фидокорона меҳнати билан шартномавий режаларни ошиғи билан бажардик.

Дарҳақиқат, бободеҳқон вазифасини қойилмақом уддалади. Етиштирилган мўл-кўл ҳосилни сифатли ўриб-йиғиб, қабул пунктларига нест-нобуд қилмай етказиш ҳам ниҳоятда масъулиятли иш. Шуни айтиш керакки, бу борада «Сайхун» машина-трактор паркининг «Кейс» ва «Класс» русумли комбайнларидан фойдаланилаётганлиги муҳим аҳамият касб этяпти. Шунингдек, 10- ва 52-автокорхоналар ҳамда 39 та хусусий юк машинасининг гуруҳларга бўлинган ҳолда самарали иш олиб бораётганлиги ҳам йиғим-терим суръатини таъминламоқда.

— Комбайнчи ва ҳайдовчилар учун иш пайтида дам олиб овқатланиш жойида ташкил этилган, - дейди «10-автокорхона» масъулияти чекланган жамияти раиси ўринбосари Маъмуржон Маҳсудов. - Узоқдан келган ҳайдовчиларга ётоқ ҳозирлаб бердик. Рўзғорларида узилиш бўлмаслиги учун эса 25 минг сўмдан бўнак берилди. Шу билан бирга, ҳар бир комбайнчи ҳисобига 100 минг сўмдан маблағ ўтказилди. Ғалла мавсуми тугаллангач ғолибларни қимматли совға ва пул мукофотлари кутмоқда.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири

Чуст туман Ижтимоий таъминот бўлими кошида ногиронлар аравачаси, ҳасса, кўлтиқтаёқ тайёрлайдиган устахона ишга тушди.

МУРУВВАТ

-Ҳар йили бу ашёларни катта маблағ сарифлаб олардик, - деди бўлим мудири Нўъмонжон Зокиров.- Бунинг устига буюртмалар вақтида келмасдан ойлаб кутилар эди. Маҳаллий усталар Обиджон Боқиев, Тўрахон Яҳёев, Эркинжон Эгамбердиевлар билан маслаҳатлашиб, аравача ясашга уриниб кўрдик. Бинойидек чиқди, сифатиҳам жойида, баҳоси эса арзон. Ёнғоқ ва чинор дарҳтларидан ҳасса, кўлтиқтаёқ ясашни ҳам йўлга қўйдик. Улар металдан ясалганидан анча енгил ва қулайдир. Мутасадди идоралардан руҳсат олиб, ҳужжатларни расмилаштирдик. Шундай қилиб туманимизда ногиронларнинг аравачага навбат кутиб туришига ҳожат қолмади. Ҳасса, кўлтиқтаёқ масаласи ҳам ҳал этилди. Маблағ масаласида тадбиркорлардан Б Саматов, У Каримов, Х Қурбонов, М. Ҳайдаров, А Долиев сингари йигирмага яқин саховатпешалар ҳомийлик қилишмоқда.

"Туркистон-пресс"

«Ишонч» фош этади

ЖИЗЗАХ КЎЧАЛАРИДАГИ ТРОЛЛЕЙБУС

у қаёққа ғойиб бўлди?

Жиззах шаҳри жамоли мустақиллик йилларида янада чирой очди. Шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонларга транспорт хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. Хусусан, 1997 йилдан троллейбус қатнови йўлга қўйилгани нур устига аъло нур бўлди. Экологик тоза, бежирим, кенг ва ёруғ, муҳими нисбатан арзон бу транспорт воситаси йўловчиларга манзур бўлгани, шубҳасиз.

Лекин, шу йилнинг май ойи бошларидан шаҳарда троллейбус қатнови тақа-тақ тўхтаб қолди. Йўловчилар бунга ҳайрон. Биров у деди, биров бу. Аслида нега шундай бўлди?

Биз ана шу саволга жавоб топиш мақсадида вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси тасарруфидаги Жиззах троллейбус корхонасида бўлдик. Унинг раҳбари Шавкат Бўрибоевнинг айтишича, шаҳар кўчаларида 45 кундан буён троллейбус қатнамаётган экан. Бунинг оқибатида 17 нафар ходим меҳнат таътилида, 4 киши ўз ҳоҳиши билан ишдан бўшаб кетган. Айни вақтда аппарат ходимлари ва зарур жойларда 10 киши ишлаяпти, холос.

Ишдан ўз ҳоҳиши билан бўшаб кетганларнинг бўйруғи билан танишамиз. Чилангар Ш.Аширматов 3 май куни ариза ёзган бўлса, раҳбар шу куннинг ўзидаёқ буйруқ чиқариб ходимни ўз вазифасидан озод қилган. Шунингдек, таъмирловчи В.Назаров, чилангар Ш.Каримовлар ҳам ёзган аризаларига асосан ишдан бўшатиб юборилган. Буйруқлар ходимлар бўлими инспектори А.Измайлованинг бепарволиги туфайли рақамланмаган, ходимлар буйруқ билан таништирилмаган. Ишдан бўшаган ходимларнинг ҳар биридан ўртача 70-80 минг сўмлик ҳисоб-китоб қарздорлиги юзага келган.

Корхонада биргина иш ҳақидан қарздорлик 5 миллион сўмдан ортиб кетган. Ходимлар ойлик маошни охирги марта қачон олганини ҳам унутишган. Электр энергиясидан 2 миллион 196 минг сўм, солиқ тўловларидан 1 миллион 800 минг сўм қарздорлик мавжуд. Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Лола Тўйчиева ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашдан кўра маъмурият билан муросасизликни афзал билаётган кўринади.

Хуллас, иқтисодий танглик троллейбус корхонасида ишнинг тўхташига, ходимлар ижтимоий аҳволини янада оғирлашувига олиб келди.

Мавжуд троллейбус вагонларининг 5 таси 1985 йилда ишлаб чиқарилган, биттаси мукаммал таъмирлашдан келган бўлиб, уларнинг барчаси маънан эскирган, эҳтиёт қисмлар етишмайди.

Жиззах шаҳрида иккита йўналиш бўйича жами 48,6 километр масофали троллейбус қатнови ишга тушган бўлса-да, унинг тўла қувват билан ишлатилишига имкон йўқ. Негаки, троллейбус қатнаб турган даврда кунига ўртача 5 та троллейбус ишга чиққан, холос. Қолганлари доимий таъмирланиб турган. 26,2 километр масофадаги «Автошоҳбекат-Пайпоқ тўқув фабрикаси» йўналиш бўйича атиги битта троллейбус вагонининг қўйилганлиги йўловчиларни қониқтирмаслиги тайин. Шуниси муҳимки, мазкур йўналиш аҳолиси гавжум ўнга яқин маҳалла, бозор, ўқув юртлари ва йирик кўчаларидан ўтган. Бу эса ўз навбатида корхонанинг иқтисодий даромад манбаи бўлиб қолиши аниқ эди. Шундай йирик йўналишдаги масофага атиги битта троллейбус қўйилиши ҳам кулгили, ҳам ачинарлидир. Сирасини айтганда, бу кўзбўямачилик ва ҳисобот учун қилинган ишдан бошқа нарса эмас.

Айтиш жоизки, Жиззах шаҳрида троллейбус қатнови йўлга қўйилганига анча муддат ўтган бўлса-да, у ҳозиргача тўла қувват билан ишламаяпти. Ҳисоб-китобларга кўра, бунинг учун ҳозирги кунда 25 та троллейбус вагони зарур.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

ҚАРИЯЛАР ЗИЁРАТГА ЧИКДИ

Яқинда Миробод туманидаги «Парвона» маҳалласида истиқомат қилаётган қариялар учун Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги тарихий обидалар ҳамда зиёратгоҳларга саёҳат уюштирилди. Шунингдек, нуронийлар Занги ота, Хасти Имом масжиди, Муқимий театри ҳамда Тошкент давлат циркларига маҳалла ҳисобидан бориб келишди.

– Маданий ва маърифий тадбирлар билан биргаликда ободонлаштириш ишларини ҳам яхши йўлга қўйганмиз, – дейди маҳалла оқсоқоли О.Каримов. – Жумладан, ўтган даврда Сарбон кўчасидаги ўнқир-чўнқир йўлларга асфальт ётқизиш, эскириб қолган симёғочларни таъмирлаш, мавжуд 14 та кўчада чиқиндиларни тозалаш ва кўчатлар ўтказиш юмушларини амалга оширдик. 218-ўрта мактаб билан ҳамкорликда маҳалла ёшларини футбол, волейбол, шоҳмот-шашка ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилган.

СОЛИҚ ВА ТАРҒИБОТ

Тошкент вилояти Давлат Солиқ инспекциясининг топшириғига мувофиқ мактаб, коллеж, институт ҳамда маҳаллаларда мазкур соҳа қонунчилигига оид ўқув машғулотлари ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Олмалиқ шаҳар ДСИ ходимлари Сайёра Мингалибоева, Улуғбек Бўрибоев, Абдузоҳид Носиров, Икром Маткаримовлар шаҳардаги қурилиш, тиббиёт, маиший хизмат, саноат касб-ҳунар коллежлари талабаларига республикамизда ҳамда чет давлатларда солиқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида ўқув амалий машғулотлар олиб боришди.

Шунингдек, ходимлар шаҳардаги бир нечта маҳаллалар, уй-жой ширкатлари ҳамда корхона ва ташкилотларда ҳам бўлишиб, тарғибот ишларини амалга оширишди.

Азиза АБДУМАЖИДОВА

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: ходимларга асосий ва қўшимча таътиллар бериш тўғрисида маълумот берсангиз. Уларни меҳнат таътилидан чақириб олиш тартиби қандай?

Р.МАШАРИПОВ,
Ҳазорасп туман марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг талабларига асосан барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга ҳар йили дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилиши зарур. Ходим бир неча йиллаб меҳнат таътилидан фойдаланмаса у касб касалликларига ёки бошқа умумий касалликларга чалиниши натижасида муассаса ҳам, ходим ҳам кўп миқдорда чиқимдор бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунга биноан йиллик асосий таътил ходимнинг биринчи иш йили учун у олти ой ишлагандан кейин берилади.

Ходимнинг иш йили меҳнат шартномасига мувофиқ иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Қонунда айрим ходимларга уларнинг хоҳишига кўра меҳнат таътили олти ой ўтмасдан олдин ҳам берилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Булар қуйидагилар:

– аёлларга – ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;

– I ва II гуруҳ ногиронларига;

– ўн саккиз ёшга тўлмаганларга;

– муддатли ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;

– ўриндошлик асосида ишлаётганларга (асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда);

– ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ҳамда бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;

– технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд муассасанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга.

Мактаблар, ҳунар-техника, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъий назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Ходимларга иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун меҳнат таътили бериш навбати Меҳнат Кодексининг 144-моддасига асосан календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишиб тасдиқланган жадвалга мувофиқ берилади. Таътиллар жадвалида кўрсатилган муддатларни бажариш ҳам иш берувчига, ҳам ходимлар учун мажбурий ҳисобланади.

Таътиллар жадвалини тузишда ходимларга қонунда белгиланган кафолатлар, уларнинг манфаатларини ҳамда муассасанинг меъёрида ишлаши масалалари ҳисобига олинмоғи зарур.

таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгилаб қўйилган вақти фақат ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, шунингдек, қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Иш берувчи томонидан ходим таътил бериш ҳақида ёзма равишда таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши ва таътил учун унга олдиндан ҳақ тўлаш мақсадида таътил бериш тўғрисида буйруқ чиқарилиши зарур. Чунки Меҳнат Кодексининг 145-моддасига асосан ходим белгиланган муддатда таътилнинг бошланиш вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади.

Кўп ҳолларда таътил берилиши тўғрисидаги буйруққа қарамай, ходим меҳнат вазифаларини бажаришни давом эттиравераді.

Бу ҳолда ходимга унинг ҳаракатлари ғайриқонуний эканлиги тушунтирилиши керак. Бундан ташқари, иш берувчи бу даврда мазкур ходимни ишга қўймаслик чораларини кўришга ҳақлидир.

Қонуннинг юқорида кўрсатиб ўтилган талаблари иш берувчилар томонидан тўлиқ бажарилмаганлиги сабабли амалиётда ходимларнинг иш берувчи номига таътил берилишини сўраб ариза билан мурожаат қилишлари ҳанузгача давом этиб келмоқда. Бунинг оқибатида ходимлар бир неча йиллаб таътиллардан ўз вақтида фойдаланмасдан меҳнат қилмоқдалар.

Ходимларга Меҳнат Кодексининг 134-моддасига асосан ҳар йили ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил ва қонунларда (жамоа келишуви ва шартномасида) белгиланган йиллик қўшимча таътиллар берилади. Йиллик асосий ва қўшимча таътиллар қўшиб жамланганда унинг умумий муддати қирқ саккиз иш кунидан ошиб кетмаслиги керак. Бунда қўшимча таътиллар йиллик асосий таътилга, яъни 15 иш кунига қўшилади.

Ходимларга қўшимча таътилни белгилашда кўплаб муаммолар келиб чиқмоқда. Чунки Меҳнат Кодексининг 137-моддаси талабларига мувофиқ меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларни аниқлашнинг янги тартиби меҳнат шароитларини баҳолаш ва ҳар бир иш жойини аттестациядан ўтказишни талаб қилади. Шу сабабли 1996 йил 1 апрелигача бўлган қўшимча таътиллар рўйхати ўзининг юридик кучини йўқотган.

Аттестациядан кейингина муассасаларда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи жойларини аттестациядан ўтказгунга қадар олдинги, яъни 1996 йилнинг 1 апрелигача Меҳнат Кодексини амалга киритилгунга қадар ўрнатилган қўшимча таътиллар сақланиб қолинди. Ушбу қўшма қарорнинг бажарилиши республикадаги Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча муассаса, корхона ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Энди ходимни таътилдан чақириб олиш масаласига келсак, бу ишни амалга оширишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми мазкур иш йили давомида берилиши ёки кейинги иш йилнинг таътилига қўшиб берилади. Таътилдан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилиши сабабли, ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътилларнинг муддати белгиланади.

Республикамизда биринчилардан бўлиб иш жойларини аттестациядан ўтказишни Навоий вилоятидаги соғлиқни сақлаш муассасалари бошлаб берди.

Шу сабабли қўшимча таътиллар бериш тартиби, муддатини муассасаларда тўғри татбиқ қилиниши учун 2004 йилнинг 28 майида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъати ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма марказий қўмитаси раёсатининг қўшма мажлисида қарор қабул қилинди ва бу қарорга асосан Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ходимларга иш ходим иш берувчининг таътил тугамасдан олдин ишга чиқиш тўғрисидаги буйруғини бажаришни рад этганини меҳнат интизомини бузилиши деб баҳолаш нотўғри ҳисобланади. Бунинг учун ходимга ҳеч қандай интизомий жазо чораси қўллаб бўлмайди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларни, меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун берилган йиллик қўшимча таътилдан фойдаланаётган ходимни таътилдан чақириб олиниши тақиқланади.

Ходимлар меҳнат таътилидан ўз вақтида фойдаланишлари иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг доимий назоратида бўлиши зарур.

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

Саволларингизга ҳуқуқшунос Дурдона Назарова жавоб беради

Савол: 1. Тадбиркорлик фаолияти ва унинг субъектлари тўғрисида тушунча беришингизни сўрайман.

Савол: 2.Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд?

А.БЕКНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳри

Жавоб: 1. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 3 ва 4 моддаларида тадбиркорлик фаолияти ва унинг субъектлари тўғрисида қуйидагича изоҳ берилган. Унга асосан «Тадбиркорлик фаолияти» –бу тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўзининг мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган фаолият тушунилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг, яъни тадбиркорликнинг субъектлари деганда эса белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Жавоб: 2. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари белгилаб берилган бўлиб, унга асосан тадбиркорлик субъектлари:

1.Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш;

2.Мустақил равишда ўзининг ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотларининг (ишларнинг, хизматларнинг) истеъмолчиларини танлаш;

3.Тадбиркорлик фаолиятидан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

4.Ўз маҳсулотларини (ишлари, хизматларини) ёки ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланган нархлар ва тарифлар бўйича ҳамда шартнома асосида (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) сотиш;

5.Бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкларни сотиб олиш ёки ижарага олиш (шу жумладан лизинг йўли билан) ҳамда белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқларига эгадирлар.

Юқорида қайд этилган Қонуннинг 9-моддасига асосан тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзлари тузган шартномалардан келиб чиққан ҳолда:

1.Ёллаш асосида меҳнатга жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари;

2.Хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари;

3.Сотиладиган маҳсулотлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари;

4.Ўзининг почта манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилишлари;

5.Бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари;

6.Ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этишлари шарт.

Саволларингизга ҳуқуқшунос Ғофуржон Ғойипов жавоб беради

Савол: 1. Иш берувчи билан ходим ўртасида муайян муддатга (беш йил) тузилган меҳнат шартномаси муддати тугаши муносабати билан иш берувчи томонидан МКнинг 105-моддасига асосан бекор қилиниши мумкинми?

Савол: 2. Иш берувчи билан ходим ўртасида муайян (беш йил) муддатга тузилган меҳнат шартномасининг муддати тугагандан сўнг тарафлардан бирортаси ҳам уни бекор қилишни талаб қилмаса ва меҳнат муносабатлари давом этаверса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга узайтирилиши мумкинми?

Савол: 3. Муайян муддатга (беш йил) тузилган меҳнат шартномаси муддати тугагандан сўнг, янгитдан беш йил муддатга меҳнат шартномаси тузилса буйруқ чиқариладими? У қай тарзда ёзилади?

Савол: 4. Иш берувчи билан ходим ўртасида тузилган шартнома асосий иш бўйича бўлганда, меҳнат шартномасини бир ёки икки йилга тузиш мумкинми?

Савол: 5. Меҳнат Кодексининг 181-моддасининг 1-2 бандларига кўра ходим томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракатлар учун ҳайфсан ёки жарима жазоси қўлланилгандан сўнг бир йил давомида ходим томонидан 2-маротаба ножўя хатти-ҳаракатлар содир этилса, МКнинг 100-моддаси 3-бандига асосан у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинми?

Р.МУҲАММАДИЕВА,
Наманган вилояти

Жавоб: 1. Меҳнат Кодексининг 75-моддасига асосан муддатли меҳнат шартномалари беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилиши кўрсатиб ўтилган. МКнинг 105-моддасида эса муддатли меҳнат шартномалари уларнинг амал қилиш муддати тугаши билан бекор қилиниши белгилаб қўйилган. Сиз саволингизда сўраганингиздек маълум муддатга тузилган меҳнат шартномаси, яъни у бир йил, икки йил, уч йил ёки беш йил муддатга тузилганми, ёки йўқми бундан қатъи назар МКнинг 105-моддасига биноан бекор қилинади.

Жавоб: 2. Меҳнат Кодексининг 105-моддасига асосан муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугагандан сўнг бир ҳафта давомида тарафларнинг бирортаси ҳам уни бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, у ҳолда шартнома номуайян муддатга узайтирилган ҳисобланади.

Жавоб: 3. Муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугаб, бекор қилингандан сўнг, томонлар ўртасида янги муддатга шартнома тузиладиган бўлса, албатта бу турдаги шартнома буйруқ билан расмийлаштирилади. Буйруқда албатта ходим ишга қабул қилинаётган бўлим, унинг лавозими, ойлик маоши каби бажарадиган вазифасининг асосий шартлари кўрсатилади.

Жавоб: 4.Меҳнат Кодексининг 76-моддасига биноан иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаларини тузиш ҳуқуқи маълум миқдорда чекланган бўлиб, унга кўра муддатли меҳнат шартномалари бўлажак ишнинг характери, уни бажариш шартлари ва ходимнинг манфаатларини эътиборга олиб ҳамда меҳнат шартномасини номуайян муддатга тузиш имконияти бўлмаган ҳоллардагина тузилиши мумкин.

Жавоб: 5. Меҳнат Кодексининг 181-моддасига асосан интизомий жазо чоралари ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан қўлланилади. Интизомий жазо чорасини қўллашдан олдин ходимдан тушунтириш хати талаб қилинади. Ходимнинг тушунтириш хатини ёзишдан бош тортиши унга нисбатан жазо чорасини қўлламаслик учун асос бўла олмайди. Ҳар бир содир этилган ножўя ҳаракат учун бир маротаба жазо чораси қўлланилиши мумкин.

Агар ходим интизомий жазо олганидан сўнг бир йил давомида яна ножўя хатти-ҳаракат содир этса, бу ходим томонидан ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш деб топилади. Ва бунинг натижасида ходим билан тузилган меҳнат шартномасини МК нинг 100-моддаси 3-бандига кўра бекор қилиш мумкин бўлади.

ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ ҚАСАМЁДИ

Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда Тошкент шаҳри ва вилоятидан навбатдаги сафарбарлик чақирув резерви хизматига жалб этилган йигитларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлди. Унда Тошкент ҳарбий округи вакиллари, аскарларнинг ота-оналари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.

- Йигитлар бир ой мобайнида бошланғич ҳарбий билим ва кўникмаларга эга бўлишди, - дейди Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати бошлиғи, подполковник Комил Жабборов ЎзА мухбирига. - Энди улар ҳарбий гувоҳномаларини олиб, ўқиш ва ишларини давом эттирадилар.

(ЎзА)

МАФТУНКОР РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Жиззах шаҳрида халқ таълими бошқармаси ва Ўзбекистон Болалар жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан ногирон болалар ўртасида анъанавий «Мафтункор ранглар жилоси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Биринчи ўринни Зафаробод туманидаги 1-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Бахтиёр Маматов қўлга киритди. Жиззах шаҳри вакили Эдем Абдураманов ва ғаллароллик Лазиз Дўстмуродов иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

Сафига 5961 нафар аъзони бирлаштирган таълим ва фан ходимлари Избоскан туман касаба уюшма қўмитаси фаолияти анчайин ибратлидир. Тармоқ қўмитаси томонидан 109 та бошланғич ташкилотда «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг бажарилиши доимий назоратга олинган.

Суратларда: тармоқ ходимлари туман касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Эргашев, 1-сонли боғча бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Ф.Абдураҳмонова; туман халқ таълими бўлими етакчи мутахассислари – М.Кенжабоев ва Б.Ўлжаев.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Гиёҳвандлик – иллат

«СЕҲРЛИ» ОФАТ КОМИДА

Минглаб ёшларни жаҳаннам ўпқонига тортаётган, жиноят йўлига бошлаётган аср иллати даҳшатли вабога айланди. Негаки, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш кишининг ўзига, балки унинг авлод-аждоди ва зурриёдига ҳам салбий таъсир этади. «Сехрли» офат комига кириб қолган ота-оналардан ногирон фарзандлар дунёга келаяпти.

Қашқадарё вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш ва қонуний чоралар кўришда бирмунча ишларни амалга ошираяптилар. Ёшлар тарбияси учун масъул ташкилот ва муассасалар, «Қамолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати, жамғармалар ва дин вакиллари иштирокидаги «Ёшлар гиёҳвандликка қарши» тадбири асосида мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, маҳаллаларда уюштирилаётган ошкора мулоқот ва давра суҳбатлари наркобизнес ва психотроп моддаларнинг салбий оқибатларини очиб ташлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шундай учрашувлар Қарши шаҳрининг 6-, 19-, 32-, 39-ўрта мактаблари, тиббиёт ва педагогика коллежлари, Ғафур Ғулом номли, «Кўрғонча», «Наврўз» маҳаллаларида, Шаҳрисабз, Китоб туманларининг таълим муассасаларида ўтказилди. Наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар ошган ҳудудлар назоратга олиниб, гиёҳвандлик билан шуғулланувчи, тарқатувчи, ташувчи ва уни етиштирувчи шахсларни аниқлаш мақсадида тезкор қидирув ишлари олиб борилаяпти. Ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи гиёҳвандлар наркология диспансерларига жойлаштирилмоқда.

Бироқ оғуфурушлар ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириш учун вояга етмаган болалар ҳамда аёлларни бу ишга жалб этмоқдалар. Маълумотларга қараганда, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар содир этаётганларнинг 28 фоизини ўттизга тўлмаган ёшлар, қарийб 12 фоизини аёллар ташкил этади. Айрим оилалардаги маънавий носоғлом муҳит, болалар бўш вақтларини қандай ўтказаётгани назорат қилинмаслиги ўсмирларнинг билиб-билмай гиёҳвандлик ва шу каби жиноятлар домига тушиб қолишига сабаб бўлаяпти.

Термиз-Тошкент йўналишида жойлашган «Чак-чак» мунтазам йўл патрул хизмати масканида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят иши фош этилди. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Суфиё қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Салоҳиддин ва Сайфиддин Раҳмоновлар бошқарувидаги «ВАЗ-21063» русумли 19I8807 давлат белгили автомашина тўхталиб кўздан кечирилганда орқа ўриндиқ ости ва автомашина эшикларининг ички томонларига 36 килограмм 970 грамм героин жойлаштирилганлиги аниқланди.

Ўтказилган тезкор текширувлар туфайли Косон туманидаги Райимсўфи қишлоғида яшовчи Тоштурди Хўжановнинг уйидан 5 килограмм 13 грамм, Ғузор туманидаги Ковчин қишлоғида истиқомат қилувчи Шермат Турдиевнинг хонадонидан 5 килограмм 390 грамм марихуана моддаси топилди.

Мўмай даромад орттириш мақсадида Нишон туманининг «Туркманистон» хўжалигида яшовчи М.Озод 303 грамм, У.Юсупов номли деҳқон-фермерлар уюшмасида истиқомат қилувчи Б.Абдузойир 102 грамм, Чироқчи туманидаги Сувли қишлоғидан Баҳрулло Жумақулов ва Турғун Хўжамуродовлар 1 килограмм 500 грамм марихуанани мижозларга пуллаётганларида қўлга олинди.

Ғузорлик Шерзод Бўриев ва Алижон Чориев айни кучга тўлган, тоғни талқон қилувчи кишилар. Аммо нафс йўлида ўзаро тил бириктириб, мижозга 500 грамм гиёҳванд моддани 1500 АҚШ долларига сотаётган пайтда қўлга тушдилар. Косон туманида истиқомат қилувчи Гулжаҳон Усмонова ҳам гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланаётганда ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланди. Кейинги пайтда Қарши шаҳрида гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчилар сони анча кўпайди. Бир йил ичида шаҳарнинг «Истиқлол» ва Табассум маҳаллаларида 6 тадан, Қарлиқбоғотда 5 та, У.Юсупов, Шохбекат, Кунчиқар маҳаллаларида 4 тадан, Пахтазор, Ойдин, Беглар, Дарвозатўтак, С.Раҳимов номли маҳаллаларда 3 тадан гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиш ва унинг олди-сотдиси билан боғлиқ жиноятлар содир этилган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва посбонлари қаёққа қарашаяпти?

Гиёҳванд моддаларнинг турган-битгани зиён, заҳриқотил аралашган оилада барака бўлмайди. «Оқ ажал» касалига мубтало бўлганлар атрофидагиларни ҳам ўз домига тортишга интилади. Гиёҳвандлик жиноятлари тарқатилишига қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлиги мустаҳкамлангандагина ижобий натижаларга эришиш мумкин.

ЁЛҚИН

Республика Кўчмас мулк биржаси биржа савдоларига таклиф этади!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитаси томонидан республика Кўчмас мулк биржаси тизимининг душанба, чоршанба, жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига қуйидаги мулклар қўйилаётганини маълум қиламиз:

1. Бухоро вилоятида жойлашган «Қоровулбозорнефтегазишчиларитаъминоти» МЧЖнинг 25 % давлат улуши. **Бошланғич баҳоси-108667,1 минг сўм.**

2. Бухоро вилоятида жойлашган «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибидаги "Пешку пилла" МЧЖнинг 25% давлат улуши. **Бошланғич баҳоси-12396,90 минг сўм.**

3. Самарқанд вилоятида жойлашган «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибидаги "Оқдарё пилла" МЧЖнинг 25% давлат улуши. **Бошланғич баҳоси-25529,80 минг сўм.**

4. Самарқанд вилоятида жойлашган «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибидаги "Тойлоқ пилла" МЧЖнинг 25% давлат улуши. **Бошланғич баҳоси-29750,20 минг сўм.**

5. Самарқанд вилоятида жойлашган «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибидаги "Булунғур пилла" МЧЖнинг 25% давлат улуши. **Бошланғич баҳоси-6713,90 минг сўм.**

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Имкониятингизни бой берманг!

Биржа савдоларида республика Кўчмас мулк биржасининг рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда сизнинг хизматингизда бўлади.

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Ўразбоев кўчаси, 1 «а», уй. Телефон: 46-23-14, 46-25-48, 46-22-43. Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржа маркази биноси, 3-қават, 45-хона. Телефонлар: 136-26-26, 136-15-28. Факс: 136-26-26. www.rkmb.uz Лицензия рақами: 000004

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН! Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari agentligi» янги бинога кўчиб ўтганлиги муносабати билан унинг манзили қуйидагича: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, Ўразбоев кўчаси 1а уй.

Телефонлар: 46-23-14, 46-25-48, 46-22-43.
Автобуслар: 82, 85, 65, 76, 87.
Трамвай: 27,18.
Мўлжал: «33-поликлиника» бекати.



Қарши шаҳридаги «Эски мачит» театр студияси жамоаси яқинда Чингиз Айтматовнинг «Манқуртлардан асранг дунёни» романи асосида яратилган «Найман она нидоси» спетаклини намойиш этдилар. Ушбу спектакл кенг жамоатчилик томонидан илиқ қарши олинди.

Суратда: спектаклдан лавҳа.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

Ёзги соғломлаштириш

ЖАННАТМАКОН ОРОМГОҲ

Яккабоғдаги «Қизилдарё»дан ўтиб тобора баландликка кўтарилганимизда кўм-кўк дарахтлар билан қопланган боғдан болажонларнинг қаҳ-қаҳаси ва ёқимли тароналар қулоққа чалинди. Оромгоҳга киришимиз билан юзимизга оромбахш ҳаво уфурди. Туман ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази ходими Бухор Юсупов «Ана бу жаннатмакон боғни оромгоҳ деса бўлади», – дея таърифга шошилди.

– Оромгоҳимиз Косон ёғ экстракция заводи оталиғида ишламоқда, – дейди директор Носир Холиқов. Мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди. Барча ётоқхоналар, 400 ўринли ошхона, тиббий даволаш хонаси, кутубхона, спорт уйингоҳи, 17 гектарлик оромгоҳ ҳудуди қайта таъмирланди, оқланди. Ошхона ва ётоқхоналар керакли қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар билан жиҳозланди.

Майна Ҳасанова номи билан аталувчи бу оромгоҳда мавсумда 4 сменада иш олиб бориб 1300 дан ортиқ болалар мириқиб дам олиши режалаштирилган.

Оромгоҳнинг биринчи сменасида 450 нафар бола ҳордиқ чиқармоқда. Болалар ўртасида ташкилий-тарбиявий ишлар олиб бориш учун қарийб 40 га яқин малакали тарбиячи ва етакчилар иш олиб боришмоқда.

Оромгоҳларда рассомчилик, ёш табиатшунослар, мусиқа ва шоҳмотшашка, спорт тўгараклари ташкил этилган. Футбол, волейбол командалари қўшни оромгоҳ билан мусобақалар ўтказишмоқда. Дам олиш мавсумининг иккинчи ярмидан бошлаб, Яккабоғ, Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий обидалари, Китобдаги Кенглик станциясига саёҳат уюштирилади.

Ҳақиқатдан ҳам оромгоҳда болаларни мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, болаларни дам олишини мазмунли ўтказишда тарбиячи, етакчилар Умар Қаюмов, Шоҳиста Ортиқова, Феруза Эргашева, Анора Раҳматова, тиббиёт ходими, ташкилий хўжалик ишларини амалга оширувчи Бахтиёр Абдураҳимов, Бозор Валиев хизматлари мақтовга сазовор бўлмоқда.

Хайрулла ТЎРАЕВ

Бор бўл, оқибат!

Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори экологик шароит туфайли қийналган аҳолига манзилли ёрдам кўрсатишга қаратилган.

ШАФҚАТ ҲАМШИРАЛАРИ ОВУЛЛАРДА

Қорақалпоқ овулларида бўлган киши Қизил ярим ой жамияти нишонларини тақиб олган ҳамшираларни учратади. Оппоқ кийими ўзига ярашиб турган юздан ортиқ тиббий-патронаж ходимлари Оролбўйининг олис масканлари аҳолисига хизмат кўрсатяпти.

Жамият раиси А.Бозорбоеванинг маълум қилишича, уч юзга яқин уруш ва меҳнат фахрийлари, якка-ёлғиз кишиларга меҳр-шафқат ҳамширалари биркитиб қўйилган. Йигирма нафар кам таъминланган оила ҳомийликка олинган. Кўмакка муҳтож қариялар ва ногиронларга 18 мингга яқин тиббий ва 36512 марта ижтимоий-маиший хизмат кўрсатилди. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан янгитдан 140 нафар ёлғиз кексалар ва тўшакка ётиб қолган беморлар аниқланиб, ҳолидан хабар олинди.

Испания ва Нидерландия «Қизил хоч» жамиятининг молиявий ёрдамида ишга тушган тиббий-ижтимоий марказ ўз фаолиятини такомиллаштириб боряпти. Нукус шаҳрининг 21-митти туманида очилган «Саломатлик» марказининг бепул хизматидан фуқаролар мамнун бўлишяпти. Мактаб ўқувчилари ва касб-ҳунар коллежи талабалари ўртасида семинарлар, ўқув машғулотлари ўтказилиб, 518 нафар ёш санитарлар тайёрланди. Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда биринчи ёрдам кўрсатадиган 98 та санитар дружинаси, 244 та пост тузилди.

ОИТС, сил касалликлари, гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича аҳоли ўртасида мулоқотлар уюштирилди. Нукус Давлат педиатрия институти, академик лицей ўқувчилари ва талабаларидан иборат 17 нафар жамият аъзолари олис аҳоли масканларига хизмат кўрсатиш учун юборилди.

Ёнғин келиб чиқиши туфайли зарар кўрган Нукус, Кегайли ва Қораўзак туманлари фуқароларига 8,5 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Хорижий давлат жамғармалари юборган кийим-кечак ва дори-дармонлар тарқатилди.

Тахтакўпи, Тўрткўл ва Қўнғирот туманлари «Қизил ярим ой» жамиятига 3 миллион сўмлик жиҳозлар топширилди. Чимбой туманида ёшлар маркази очилиб, йигирмадан зиёд ҳамширалар тайёрланиб, овулларга жўнатилди. 4,2 миллион сўмлик компьютер, телевизор, аудио-видеомагнитофонлар олиб берилди.

Сувсизликнинг олдини олиш лойиҳаси асосида Кегайли ва Чимбой туманлари аҳолисига 400 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари, 60 миллион 980 минг сўмлик 30 турдаги дори-дармонлар тарқатилди.

Хасталик туфайли тўшакда ётиб қолган, даволанишга муҳтож кексалар ва ногиронларнинг ҳолдан хабар олиниб, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватланаётганлиги уларнинг кўнглини кўтармоқда. Жамият томонидан кам таъминланганларга 2 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилгани, тиббий-патронаж хизмати яхшиланганлиги ҳар жиҳатдан ибратлидир.

И.ИСОМИДДИНОВ

Чинакам шеър қанақа бўлади? Абдулла Қаҳҳор уни бундай таърифлаган эди: «Шеър – фикр экстракти бўлиши жиҳатидан – ҳикмат, кўнгилга йўл топиши, ундан ўзига ҳамоҳанг садо чиқариши жиҳатидан – мусиқа. Шеър – кўнгилнинг ойнаси, кўнгилда нима бўлса, шу акс этади. Шеър – маъсум гўдак, риёни билмайди. Риё бўлган ерда шеър йўқ. Шеър – бир мўъжиза. Унинг мўъжизалик сирларидан хабардор бўлиш, бу сирларни жиловлаш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди».

Эътироф

ШЕЪР – КЎНГИЛ ОЙНАСИ

дилда нима бўлса, шу акс этади

Муҳаммад Юсуф шеърлари адабиётимиз гулшанида қандай ўрин тутади? Уларнинг барчасини бир хил баҳолаш мумкинми? Шоирнинг абадият билан йўғрилган асарларида қанақа поэтик хосият мавжуд? Нега улар халқ орасида бунчалик машҳур?

«Муҳаммаднинг шеърлари бир қарашда жуда содда, жўн ёзиладиганга ўхшаб туюлади. Аммо унга ўхшатиб ёзиб кўринг-чи? Қўлингиздан келмайди!»– деб ёзган эди шоирнинг устози Озод Шарафиддинов.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Юсуф модерн шоир эди. У ўзбек шеъриятида Шарқ ёки Ғарб адабиёти анъаналарини тажриба тариқасида қўллашга уриниб кўрмади, бунга зарурат ҳам сезмади. Чунки унинг дилида бир вақтлар Чўлпон, Ҳамид Олимжон ва Усмон Носирлар қалбига жойлашиб, ўзбек тилида сайраган қуш ин қурган эди. Сиз унинг исталган шеърини ўқинг, шавққа тўлган булбулнинг бирдан сайраб юборганидай ҳолатини туясиз:

Сузилма ой осмонда,
Сендан тўлин юзлар бор,
Сурхон деган томонда
Ойдан ойдин қизлар бор.

Зеби, Зеби, Зебона,
Ишқингда мен девона.
Болаликда дўст қизлар
Бўйга етгач – бегона.

Шундай қилиб, Муҳаммад Юсуф ўзбек шеъриятида янги бир услубий йўналишни кашф этгани йўқ. У бармоқ вазнининг минг йиллик анъаналари доирасида дилидаги янгроқ қушчани сайратди, оддий мисра ва бандларда соҳир сўз қудратини кўрсата олди.

Муҳаммад Юсуф шеъриятининг бўртиб турувчи белгиси халқчилликдир. Ҳазрат Навоийнинг «Навосиз улуснинг навобахши бўл» деган ижодий принципи бўлган. М.Юсуфнинг халқ оҳангида ёзилган шеърлари дилбар ва ўйноқилигидан ташқари турокланиш тизимидан куй ва навоси ўз-ўзидан келиб чиқаверадиган навобахш асарлардир.

Улар дастлабки мисраларданоқ ички бир оҳанги билан ўзига ром қилиб олади:

Бир қиз йиғлар булоқ бошида,
Маъюс мажнунтоллар қошида.
Кўнгил оҳи кўзин ёшида:
Бевафо кўп экан дунёда.

Дилдан кўчиб кетса хаёллар,
Ёмонга йўқ экан жазолар.
Ёлғон дунё экан дунёлар.
Бевафо кўп экан дунёда.

Қўй йиғлама, менинг жон синглим,
Мен ҳам сендек бағри қон, синглим.
Менга ҳам йўқ меҳрибон, синглим,
Бевафо кўп экан дунёда,
Муҳаббат йўқ экан дунёда.

Эътибор беряпсизми, юқоридаги бандларда «дунё», «синглим», «мен» сўзлари такрор-такрор қўлланилмоқда. Бошқа ҳолатда бир сўзнинг такрори бадиийятга путур етказиб, сохталикни келтириб чиқариши мумкин. М.Юсуф мисраларида эса сўз такроридан заргарона фойдаланилган.

Шоир асарларининг поэтик табиати тўғрисида ҳар қанча тўлқинланиб, халқ орасида машҳур бўлиб кетган мисраларини кетма-кет келтириб сўзлаш мумкин. Зеро, бу шеъриятнинг тадқиқ этишга лойиқ қирраси кўп. Фикримиз умумий қолипда кетмаслиги учун диққатингизни шоирнинг бадиий тамсил (детал) қўллаш маҳоратига жалб этмоқчимиз. М.Юсуф шеърларида мажнунтол, ялпиз, райҳон, лолақизғалдоқ, қизил олма, капалак, булбул, қарға, кийик (жайрон, оҳу) от ва ҳоказо нарса ва жонворлар эмоционал сезимларнинг поэтик ассоциацияси учун хизмат қилган. Улар орасида лолақизғалдоқнинг алоҳида ўрнини

таъкидлаш жоиз. Нима учундир манашу ўсимлик М.Юсуф туйғуларини муайян шаклга келтиришда оддий тамсил даражасидан поэтик тимсол даражасига кўтарилган.

Лирик қаҳрамон олис қишлоқда беғубор, кўнгли тоза меҳнаткаш инсонлар даврасида улғайган. Тенгқурлари билан курашга тушган, қўшни қизчаларни эркалатган. Аммо у қизчалар вояга етгач, ўзларини ҳуркак кийикдек тутадилар. Энди улар лирик қаҳрамоннинг қўли етмас қизғалдоқ. Чунки кўзингизни қувнатиб турган лолақизғалдоқни юлиб олиб кетай десангиз, унинг шоналари тўкилади, ўша заҳоти сўлади. Шу боисдан унга қўл теккизиб бўлмайди:

Бу қиз қўлим етмас қизғалдоқ энди,
Ясанган янги йил кунги арчадек.
Кеча жамалак соч қизалоқ эди,
Пинжимда юрарди мушуквачадек.
Акасин унутар, қизлар, айниқса –
Ҳа, отингдан айланайин, Ойниса!

Лирик қаҳрамон орзулар оғушида қишлоғини тарк этади. Аммо туғилган ер соғинчи, айниқса, кўнгилдан урган қизнинг дийдори уни бетоқат қилади.

Ҳаёт эса абадий. Вақт дил яраларини даволайди. Жон-дилидан севган қизидан айрилган ошиқ муҳаббат деган туйғунинг ўткинчи ёки доимийлиги ҳақида ўйлай бошлайди:

Севги бамисоли лолақизғалдоқ,
Тегинмай бўлмайди, тексанг тўкилар.
Алвон бир гумбазнинг ўртаси оппоқ
Буни бир мену бир капалак билар.

Мен ўша гумбазга бошимни суқдим –
Қизил куйлакли бир қизгина кулар:
Бундай боқма, менга уқдингми?
Уқдим...
Буни бир мену бир капалак билар.

Мазкур мисралардаги образлиликнинг ёрқинлигига эътибор беринг. Ишқдан сармаст ошиқ сирти қип-қизил, ўртаси оппоқ гумбазга бошини суқади. У ерда эса қизил куйлакли бир қизгина ўтирибди. Шу ўринда -гина қўшимчасининг поэтик қудратига аҳамият беришингизни сўрар эдик.

Айтайлик, қизил куйлакли бир қиз ўтирибди дейилса, қизғалдоқ билан боғлиқ бокиралик ва нафислик хира тортган, қизгина дейилганда эса аксинча кучайган ҳолат юзага чиқади.

Поэтик рамзга айланиб бораётган қизғалдоқнинг ана шундай нафис таърифи шоирнинг бошқа шеърларидан ҳам ўрин олган:

Муҳаббатим, қайдасан, қалб ардоғим,
Жайронкўзим, қирларда қолган оҳум.
Қўлим тегмай тўкилган қизғалдоғим,
Энди сени излаб қайдан топарман...

Лирик қаҳрамон ишқ изтиробларидан ҳориган ногиронга айланган. У беғубор ёшлигини қўмсаб қадрдон далаларни қўлтиқтаёқда айланса, лолақизғалдоқ унинг тиззасига суйкалиб қиқирлаб кулади. Бу ёшлигини соғинган шоир учун ўзгача таъсир кўрсатади:

Баҳорда кўп оғир,
Қиқирлаб турса
Тиззангга суйкалиб лолақизғалдоқ.
Беғубор ёшлигинг ўтган жойларда
Қўлтиқтаёқ билан ҳаккалаб юрмоқ.

Шу тариқа лолақизғалдоқ М.Юсуф ижодида шеърдан-шеърга рамз мундарижасини кенгайтира боради. Жумладан, «Жайрон» шеърида лолақизғалдоқ детали бағри ўксик ошиқ билан кўзи ёшга тўлган жайрон ўртасидаги бадиий-психологик мутаносибликни келтириб чиқаради:

Юрак қонинг тўкилган сўқмоқ,
Бағри алвон лолақизғалдоқ.
Сенга тошлар отди қай гумроҳ,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш.

Мазкур детал шоирнинг кейинги шеърларида бундан-да кенгроқ рамзий маъно касб эта бошлайди.

Умуман, лолақизғалдоқ тамсили шоирнинг қисқа умри учун ҳам қандайдир магик таъсир қудратига эга бўлган ўсимликдай таассурот уйғотади. Қизиғи шундаки, М.Юсуфнинг лолақизғалдоқ ва ўз ўлими ҳақидаги мунгли бир шеърини қўшиқ қилиб куйлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳриддин Холиқовнинг ҳам умри қисқа бўлди. У мазкур «Лолақизғалдоқ» шеърининг ёзилиши тарихини шундай эслаган эди: «Шоир билан тоққа дам олишга чиққандик. Ҳаммамиз ўзимиз билан бандмиз. Бир маҳал Муҳаммад ака бир ўзлари четда хаёлга берилиб ўтирибдилар. Ёнларига бориб: «Ҳа, ака, нималарни ўйлаяпсиз?» деб сўрадим.

У: «Муҳриддин, қара, анови қизғалдоқ менга тинчлик бермаяпти. Ўпай десам пешонаси йўқ, узай десам тўкилиб кетади. Бир шеър ёзсам, қўшиқ қиласанми?» дедилар. Кейинроқ ҳаммага машҳур қизғалдоқ қўшиғи яратилди».

Қизғалдоғим, қирдан бўлак кошонанг йўқ,
Кокил ёйсанг, ердан бўлак тошойнанг йўқ.
Ўксиб-ўксиб турганингда ўзим бориб,
Пешонангдан ўпай десам, пешонанг йўқ.
Солланасан келинчакдек бошинг эгиб,
Жайрон ўтган сўқмоқларга ёшинг тўкиб,
Қизил юзинг қон дилимга турар тегиб,
Менингдек сен ғарибнинг ҳам парвонанг йўқ
Олдингга мен боролмасман, ўт гуноҳим,
Бир йўқлаб қўй, мен дунёдан ўтган чоғим,
Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалдоғим,
Муҳаммаддан бўлак дўсти девонанг йўқ.

Муҳаммад Юсуф ҳақиқатан ҳам бир қарашда жуда содда, жўн ёзиладигандай, символларга бой шеъриятни қолдириб кетди. Бу шеърият беғуборлиги, риёни билмаслиги ва халқ дилига навобахшлиги жиҳатидан ҳам ўлмас, ҳамма замонларда севиб ўқиладиган шеърият бўлиб қолади.

Исомиддин ЁРМАТОВ,
филология фанлари доктори

ПЛАКАТЛАР ТЎПЛАМИ

Ҳозирги кунда мактабда касб-ҳунарга йўналтириш жараёнларига эътибор кучайтирилган. «Қизиқишлар харитаси», «Шахс ва уларга мос касблар» методикалари бўйича тайёрланган тавсияномалар ҳам муҳим таълимий аҳамият касб этмоқда.

Республика ташхис Маркази томонидан тайёрланган «касб-ҳунарга йўналтириш асослари» номли плакатлар тўплами эса кўп нусхада чоп этилди.

Касб-ҳунарга йўналтириш ишларини самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қиладиган бу тўплам ўндан ортиқ рангли плакатни ўз ичига олди.

Ҳудудий ташхис марказлари ва мактабларнинг касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассислари, амалиётчи психологлари, меҳнат таълими ўқитувчилари меҳнат таълими фани дарсларини ўқитишда ҳам бу нашрдан кенг фойдаланадилар.

А.АЛИЕВ

Турфа олам

АНА БУНИ САЁҲАТ ДЕСА БЎЛАДИ

Техника тараққиёти юксалавергани сари кашфиётлар ҳам кўпаймоқда. Яқинда яна бир оламшумул янгиликка қўл урилди. Тез орада коинотга саёҳат қилмоқчи бўлганларнинг орзуси амалга ошиб қолса, эҳтимол.

Ҳафта бошида АҚШда илк бор хусусий ракетоплан муваффақиятли синовдан ўтди. 62 ёшли синовчи-учувчи Майк Мелвиллнинг номи хусусий учувчи қурилмада Ер орбитасига чиққан биринчи инсон сифатида тарихга кирди. «Спейс шип-1» деб номланган ракетоплан Калифорния штатидаги Мохаве аэродромида осмонга кўтарилди. Тезучар ракета вазифасини эса «Уайт найт» реактив самолёти бажарди. Ракетоплан ердан 17 километр баландликка кўтарилганидан кейин самолётдан ажралиб, мустақил равишда парвозни давом эттирди.

Саксон сония давомида товуш тезлигидан юқори тезликда ҳаракатланган қурилма Ер орбитасига чиқди. Майк Мелвилл уч дақиқа давомида вазнсизлик ҳолатида бўлди. «Спейс шип-1» эса 100 километр баландликка кўтарилганидан кейин ерга қайтиб, ярим соат вақт ўтгач, парвоз бошланган аэродромга келиб қўнди.

Уч ўриндиқли бу антиқа ракетоплан америкалик учувчи ва авиаконструктор Берт Рутан раҳбарлигида Калифорниядаги «Скэйлд композитс» фирмасида ишлаб чиқарилган. Лойиҳани амалга ошириш учун мутахассисларга икки йил вақт керак бўлди. Машҳур «Майкрософт» корпорацияси асосчиларидан бири Пол Аллен бу ишга ҳомийлик қилди.

Инсоният тарихида бундай қурилма илк бор орбитага чиқа олди ва ерга муваффақиятли қўнди, деди Берт Рутан журналистларга берган интервьюсида.

Сайёҳларга мўлжалланган «Спейс шип-1»даги икки ўриндиқ ҳозирча бўш турибди. Лекин унинг ёрдамида коинотга чиқиш истагида бўлганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, битта «коинот чиптаси»нинг баҳоси 102 минг АҚШ долларига тенг бўлиши мумкин экан.

Мутахассисларнинг фикрича,»Спейс шип-1" кўп марта фойдаланишга мўлжалланган учувчи қурилмаларнинг халқаро танловида бош соврин учун асосий даъвогарлардан биридир. Бу танловни Сент-Луис шаҳрида тузилган «Икс прайз фаундейшн» бизнесменлар гуруҳи таъсис этган. Ғолиблар йил охирида эълон қилинади. Уларни 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти кутмоқда.

(ЎзА)

Евро-2004 ибтидосиданоқ мантиқсиз бошланган эди. Айнан шу мантиққа кўра мантиқсиз интиҳо топадиган кўринади. 11 июнда Лиссабонда чемпионат соҳибларини 2:1 ҳисобида «қон қақшатган» Греция терма жамоаси орадан ўн беш кун ўтгач 1998 йилги жаҳон чемпиони ва Европанинг амалдаги биринчи командасини «ўйиндан ташқари ҳолат»да қолдирди.

Футбол

КУЧЛИЛАР ДАМ ОЛАДИ

ярим финалда Португалия-Голландия ва Греция-Чехия учрашади

Беихтиёр савол туғилади: немис мутахассиси Отто Рекхагел устозлик қилаётган юнонлар шу даражада кучлими? Ундай десак, чемпионатнинг энг кучсиз жамоаси деб эътироф этилган Россиядан нега енгилди? Бу ерда биз билмаган қандай сир бор? Агар шу мантиқсизлик давом этадиган бўлса, Болқон ярим оролидан гўёки саёҳат учун Португалияга ташриф буюрган греклар барчани ҳайратга солиб финалгача етиб келишлари ҳам ҳеч гап эмасдек туюлади. Унда ўйиндан-ўйинга очилиб бораётган португалияликлар билан яна юзма-юз келишлари мумкин. Бордию шундай ҳол рўй берса, яна мантиқсизлик гувоҳига айланамизми ёхуд майдон эгалари ўз сўзларини айтиб, тасодиф ҳадеб такрорланмаслигини тасдиқлатиб оладиларми?

Фаразлар, тахминлар, башоратлар... Бугун анчайин пихини ёрган башоратчилар ҳам бош қашиб қолдилар. Ахир, чемпионлик учун асосий даъвогарлар деб ҳақли равишда эътироф этилган Испания, Италия, Германия, Англиянинг бирин-кетин мавкеларини ўзгалар қўлига топшириб, ўзлари учун «аталган» медалларга қўл силтаб, муддатидан илгари ватанларига жўнаб кетишларини қандай изоҳлаш мумкин?

Фалсафада «шахснинг тарихдаги ўрни» деган тушунча бор. Айнан шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, Англия термасида Бекхэм, Испанияда Раул, Италияда Буффон, Германияда Баллак ва ниҳоят Франция жамоасида Зидан ҳамда Анриларнинг роли беқиёсдир. Уларсиз номлари зикр этилган терма жамоаларни тасаввур қилиш қийин. Бошқача айтганда, томошабин ҳам худди шу каби футболчиларнинг майдондаги афсунгарлигини кўриб, олам-олам завқ шавққа чўмилиш учун стадионга келади, «зангори экран»га қадалиб ўтиради.

Шубҳасиз, Испания, Италия, Германия, Англия ва Франциясиз қўҳна қитъа биринчилиги, истаймизми-йўқми, жозибасини анча йўқотди. Лекин барибир, ҳар қандай ҳолда ҳам чемпион, 2004 йил чемпиони аниқланади. Энди уни биз Португалия ва Греция, Голландия ва Чехия тимсолида кўришга ҳозир туришимиз керак бўлади. Улар бу ҳуқуқни чорак финалда намойиш этган рационал ўйинлари билан қўлга киритдилар. Португалия кимсан Англияни мағлуб этган бўлса, Греция эса Францияни енгиб, бунга эришди. Тенг курашлар остида ўтган Швеция ва Голландия учрашувида ҳисоб очилмади, аммо пенальтилар сериясида омад «қизил лола» мамлакатидан келган футбол юлдузларига насиб этди. Чехия эса Дания билан бўлган ўйинни ўз фойдасига ҳал қилиш учун дастлабки дақиқалардан ташаббусни эгаллашга интилди ва бунга эришди ҳам. Ҳисоб – 3:0.

Қизиқарли ҳолат. Ярим финалга йўлланма олган икки жамоа – Португалия ва Голландия бахт қушини пенальтилар сериясини муваффақиятли тарзда амалга ошириш эвазига эришган бўлса, Греция ва Чехия асосий вақтда масалага ойдинлик киритиб, кейинги босқичга чиқишди. Бу эса мутахассислар айтмоқчи, Европада кучлар тобора тенглашиб бораётганини англатади.

Яна бир гап. Футбол гарчанд юлдузлар ўйини эса-да, кейинги пайтларда у мураббийларнинг билвосита беллашувига айланиб бормоқда. Узоққа бормайлик, греклар мураббий танлаган тактикасиз французлар устидан асло ғалаба қозона олмасдилар. Шунга кўра ҳам

Греция-Франция термалари ўртасидаги ўйин футболчилардан кўра кўпроқ мураббийлар баҳсига айланиб кетди. Ва бунда юнонларни бошқараётган Отто Рекхагел ғолиб чиқди. Французлар мураббийи «футболчиларимиз 65-дақиқада дарвозадан тўп ўтказиб юборгандан сўнг умуман ўйламай ўйнадилар» дея айбни ўз юлдузларига ағдариб қўя қолган бўлсада, асосий хатони унинг ўзи қилгани шубҳасиздир. Сўзимиз исботи сифатида эътиборингизни бир фикрга тортамиз. Франция термаси барча ўйинларда биринчи бўлиб тўп ўтказиб юбориб, сўнг олдинга ташланди. Лекин Греция билан бўлган учрашувда бу ўзини оқламади. Кечиккан ҳужумкорлик учун охир-оқибат бутун француз футболи озор чекди.

Дарвоқе, мағлубиятга учраб Португалия билан хайрлашган терма жамоаларнинг бош мураббийлари эгаллаб турган лавозимини бирин–кетин тарк этмоқда. Балки бу ҳам яхшиликкадир...

Португалияда чемпионат ҳал қилувчи паллага кирган бир пайтда мамлакатимизда футбол давралар оралиғидаги аввалдан кўзда тутилган танаффусга чиқди. Биринчи давранинг охирги турида эса қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Машъал»-«Пахтакор» – 1:3, «Насаф» - «Навбаҳор» – 3:1, «Локомотив»-«Сўғдиёна» – 3:0, «Трактор»-«Қизилқум» – 1:0, «Металлург»-«Нефтчи» – 2:3, «Сурхон»-«Андижон» – 2:1, «Бухоро»-«Самарқанд-Д» – 3:2.

Биринчи даврадан сўнг

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Пахтакор»	**13**	**12**	**1**	**0**	**42-5**	**37**
2.«Нефтчи»	**13**	**11**	**0**	**2**	**30-13**	**33**
3.«Насаф»	**13**	**10**	**1**	**2**	**28-8**	**31**
4.«Навбаҳор»	13	10	1	2	33-9	31
5.«Локомотив»	13	5	4	4	17-9	19
6.«Трактор»	13	6	0	7	18-27	18
7.«Сурхон»	13	5	1	7	15-22	16
8.«Бухоро»	13	5	1	7	15-27	16
9.«Металлург»	13	4	2	7	13-25	14
10.«Қизилқум»	13	3	3	7	15-25	12
11.«Машъал»	13	3	2	8	16-21	11
12.«Андижон»	13	3	1	9	13-29	10
13.«Сўғдиёна»	**13**	**3**	**1**	**9**	**9-27**	**10**
14.«Самарқанд-Д»	**13**	**2**	**0**	**11**	**13-30**	**6**

Энди навбат – Осиё чемпионатига. Равшан Ҳайдаров ва Юрген Гёде зиммасида катта вазифа турибди. Мақсад – муносиб қатнашиш. Бунинг учун эса энг аввал 18 июлда бошланадиган гуруҳ баҳсларида муваффақиятга эришиш лозим. Бунинг учун Ироқ, Саудия Арабистони ва Туркманистон терма жамоаларини ортда қолдириш тақозо этилади.

Ёдингизда бўлса, 1994 йили футболчиларимиз Осиё ўйинларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган эдилар. Орадан ўн йил ўтди. Мухлислар байрамни соғиниб қолишди.

З.РИХСИЕВ

ЎЗБЕК МАРМАРИНИНГ ДОВРУҒИ

Ўзбек мармарининг овози етти иқлимга тарқалган. Она заминимизда қазиб олинаётган ранго-ранг мармар тошларни эндиликда ер юзидаги кўпгина мамлакатларда учратиш мумкин.

Шу боис ҳам республикамиз мармарсоз геолог олимлар халқаро мармар институти билан яқин алоқа боғлаб, шу соҳа ривожига муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Мармар ишлаб чиқариш технологияси ва уни қайта ишлаш масаласига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Италия ташқи савдо институти ташаббуси билан уюштирилган бу тадбир доирасида Италиядаги «Бретон», «Марини» каби мармар технологиялари компаниялари билан ҳамкорлик шартномалари тузилди. Ўзаро келишувга биноан бу компаниялар Ўзбекистонга мармар ва гранит тошларни қайта ишлаш жиҳозлари ва асбоб-ускуналарини етказиб беради.

Гулноза БАХРОНОВА

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 16184 Буюртма Г— 717 1 2 3 4 5